



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДА ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКАНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЕТТИЛИК ХОДИМЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

Мустофакулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

Амонов Муслимбек Амон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 315-ўқув гуруҳи
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17758254>

ARTICLE INFO

Received: 11th November 2025
Accepted: 12th November 2025
Published: 28th November 2025

KEYWORDS

ўзини ўзи бошқариш
органлари, маҳалла
еттилиги, ижтимоий
профилактика, ҳамкорлик,
профилактика инспектори.

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ижтимоий профилактикани амалга оширишда еттилик ходимлари билан ҳамкорлиги, асосий йўналишлари, ижтимоий профилактикани амалга ошириш тартиби, маҳалла еттилигининг ижтимоий профилактика доирасидаги вазифалари ҳақида сўз юритилади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш ва хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда профилактика инспекторларининг хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги натижасида хуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, аҳолининг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган нотинч оилалардаги маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштириш борасида ижтимоий профилактика дорасида маҳалла билан ҳамкорликда профилактик чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ҳозир маҳалла фаоллари катта бир команда бўлди. Раиснинг ёнида ўринбосарлари, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, профилактика нозири бор. Бўлгандаям, ойлиги, шароити, ваколоти билан бор. Энди шундай муносабатга жавобан масъулият ҳам бўлиши керак. Жамиятдаги ўзгаришларда маҳалла ташаббускор, халққа елкадош бўлиши керак”¹ деб бежизга таъкидламаганлар.

¹Шавкат Мирзиёев: Жамиятдаги ўзгаришларда маҳалла ташаббускор, халққа елкадош бўлиши керак. <https://president.uz/uz/lists/view/5419>.

Профилактика хизматларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолиятини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда уларнинг қошида ташкил этилган жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигисиз тасаввур этиш қийин.

Ўзбекистонда шаклланган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими, яъни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси сиёсатига, унинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек, уларнинг ҳаётда амалга оширилиши ва қўлланилишини таъминловчи орган ва муассасалар фаолиятига бевосита ўзбек халқининг юксак маънавиятини ўзида акс эттирувчи инсоний туйғулар, фазилатлар. буюк аждодлар мерослари, оила қадриятлари ҳақидаги ғоялар сингдирилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш борасида уларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда, илгари судланган, спиртли ичимликка ружу қўйган, гиёҳвандлик касалига мубтало бўлган, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи, енгил табиатли аёллар ва фоҳишалар, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари, диний экстремистик оқимга мансуб ёки хайрихоҳ бўлган шахслар, кам таъминланган оилалар сони ва уларнинг турмуш тарзини аниқлаш бўйича қатор вазифаларни амалга оширади. Шунингдек, фуқаролар йиғини хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши назарда тутилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий шериклигини янада кенгайтириш борасида амалга оширилган тизимли комплекс чора-тадбирлар натижасида профилактика инспекторининг аҳоли тинчлигини туну кун таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини ошириш борасидаги фаолиятини ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Жамиятда қайси соҳа бўлмасин унинг фаолияти таҳлил этилмаса, ундаги муаммо ва камчиликлар аниқланиб бартараф этиш чоралари кўрилмаса, соҳани ривожлантириб бўлмайди ва натижада фаолиятида унум бўлмайди. Шу муносабат билан бугунги кунда ички ишлар органлари тизимларида профилактика инспекторларининг маҳалла еттилиги билан ижтимоий профилактикани амалга ошириш тизими яратилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун” устувор ғояси асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сон “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ “Ички ишлар органлари таянч пунктлари тўғрисидаги низом” тасдиқланган².

² 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сон “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори. <https://lex.uz/docs/3175732>.

“Маҳалла – ҳам онанг, ҳам отанг” ҳикмати бежиз айтилмаган. Маҳалланинг тарбия маскани сифатида янада шаклланишига барча бирдек ҳисса қўшмоғи лозим. Шуларни ҳисобга олган ҳолда маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга ошириш, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашни ташкил этиш мақсадида Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тузилмаси жорий қилинди. Ушбу масканда профилактика инспекторлари аҳолининг муаммоларини яқиндан ўрганиш мақсадида “маҳаллабай”, “хонадонбай” ва “фуқаробай” тамойиллари асосида ишлаш тизимига ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16-сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 15-моддасида Профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21-декабрда “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ 209-сонли президент фармони қабул қилинди³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21-декабрда “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 402-сонли президент қарори қабул қилинди⁴.

Ушбу юқорида кўрсатилган норматив ҳужжатларга асосан маҳалла еттилиги ташкил этилди. Маҳалла еттилигига маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим, солиқ инспекторлари киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30-ноябрда “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 801-сон қарори қабул қилинди⁵.

Ушбу қарорга асосан маҳалла еттилиги аъзолари томонидан ижтимоий профилактикани амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

«E-ijtimoiy profilaktika» ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими) — ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар ўртасида ахборот алмашиш имконини берадиган электрон тизим⁶;

³ 2023 йил 21 декабрдаги ПФ–209-сон “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони. <https://lex.uz/docs/6705763>.

⁴ 2023 йил 21 декабрдаги ПҚ–402-сон “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори. <https://lex.uz/docs/6705734>.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30-ноябрда “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 801-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7243832>.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30-ноябрда “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 801-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7243832>.

ижтимоий профилактика тадбирлари — ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатишда амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи;

ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори;

ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар — меҳнат органи ходими, тиббиёт ходими, мактаб директори ва мактаб психологи, инспектор-психолог, шунингдек, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларнинг мурожаатига асосан жалб этиладиган туман (шаҳар) даражасидаги тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари;

ижтимоий профилактика объектлари — ўзига нисбатан ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахсларнинг ижтимоий муаммолари;

ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахслар — ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар;

ижтимоий мослаштириш дастури — ижтимоий профилактика объектларига нисбатан ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар томонидан ижтимоий профилактика жараёнида амалга ошириладиган тадбирлар⁷.

Ижтимоий профилактика тадбирлари қуйидаги шахсларга нисбатан амалга оширилади:

а) ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли бўлган шахслар:

банд бўлмаган ёки доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз шахслар;

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган шахслар;

қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга ружу қўйган шахслар;

ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар;

қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганлар;

ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари;

давлат кўмагига муҳтож «оғир» тоифадаги ёшлар;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар;

ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилалар;

ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар;

мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраб келаётган хотин-қизлар;

жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган шахслар;

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30-ноябрда “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 801-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7243832>.

оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар;
тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган шахслар;

б) ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли бўлган шахслар:

парваришга муҳтож ёлғиз кексалар;

ногиронлиги бўлган ва оғир касалликка чалинган шахслар⁸ ижтимоий профилактиканинг объектлари этиб белгиланган.

Юқорида рўйхати кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар бевосита профилактика инспекторлари билан ўзаро ҳамкорликда иш фаолиятларини олиб борадилар. Улар маҳаллада истиқомат қилаётган ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этган ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ва ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахслар билан ишлашда кўмаклашишади. Ушбу ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар билан биргаликда маҳаллада қилинган ишлар бўйича ҳисобот беради. Ҳар бир йўналиш бўйича профилактика инспекторлари давлат органлари билан маҳалласида жиноячилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича ишларни самарали амалга оширмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида профилактика инспекторлари маҳаллада ижтимоий профилактика тадбирларини маҳалла еттилиги аъзолари билан ҳамкорликда бажариб келишмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, янги Ўзбекистон шароитида ички ишлар органлари ходимлари, айниқса, халққа энг яқин бўлган профилактика инспекторлари олдида муҳим вазифалар турибди. Бу вазифаларни самарали бажариш эса улардан касбий маҳорат, бой тажрибадан ташқари чуқур ҳуқуқий билимни ҳам талаб этади. Президентнинг юқорида тилга олинган фармон ва қарорлари ана шу эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Қолаверса, ҳар томонлама билимли профилактика инспекторларигина давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, маҳалланинг ички ишлар органларидаги ҳақиқий вакили бўла олади. Юксак билимли ва ватанпарвар профилактика инспекторлари маҳалла еттилиги билан ҳамкорлигининг ажралмас ва муҳим бўлаги бўлиб, фаолиятни талаб даражасида ташкил этиш ҳамда бу орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни самарали ташкил этиш имконини беради. Маҳалла худудидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни доимий равишда ўрганиб бориш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш йўлидаги ушбу маҳалла еттилиги билан ҳамкорлиги профилактика инспекторининг ижтимоий профилактика доирасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда такомиллаштиришга хизмат қилади. Ушбу маҳаллада ижтимоий профилактиканинг жорий этилиши жиноятчилик камайишига олиб келади. Маҳалла эса тинч фуқаролар осуда ҳаёт кечиришади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёев: Жамиятдаги ўзгаришларда маҳалла ташаббускор, халққа елкадош бўлиши керак. <https://president.uz/uz/lists/view/5419>.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30-ноябрда “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 801-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7243832>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан.
3. 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони. <https://lex.uz/docs/6705763>.
4. 2023 йил 21 декабрдаги ПҚ-402-сон “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори. <https://lex.uz/docs/6705734>.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30-ноябрда “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 801-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7243832>.
6. Bobur, Mustofaqulov, Asror o'g'li, Niyatullo Jahongir o'g'li Ahmadqulov. "muhim siyosatdan kasallik inspektorlarini oldini olish". Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2 (2024): 58-62.
7. ugli G'ofurov, A. A., & o'g'li Mustofaqulov, B. A. (2024 yil, dekabr). huquqchilik profilaktikasi xizmatinda kadrlarni ta'lim olishning samarali tizimini takmonlash. xalqaro ilmiy konferensiyada “*ilmiy ilmlar va innovatsion yundashishlari*” (1-jild, 2-son, 16-22-betlar).
8. Bobur, Mustofaqulov, Asror O'g'li va Asadbek Abror O'g'li Abduxalilov."muhim hodisa bo'lgan holda kasallikning muhimligini tekshirishni profilaktikasi". Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.1-2 (2024): 130-136.

INNOVATIVE
ACADEMY